

ТУРКИСТОН

1993 йил 6 май • Пайшанба • № 52 (14080)

تورکستان

TURKISTAN

Нархи 5 сўм

Ёшларга ғамхўрлик намунаси


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИЖОДКОР ЁШЛАРНИНГ «ИСТЕЪДОД» РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ҲАҚИДА

Адабиёт, санъат ва метаморфозлар соҳаларида истеъдодли ёшларни излаб топиб, уларнинг ижодий салоҳиятини ватанимиз мустақиллиги ва халқимиз маънавиятини мустаҳкамлаш, боитишга йўналтириш, уларга ғамхўрлик қилишни замон талаблари даражасига етказиш мақсадида:

«Истеъдод» республика жамғармаси тузилсин. Жамғарманинг асосий вазифалари эи: — мавжуд таълим-тарбия тизимларида махсус ўқув дастурларини мувофиқлаштиришда иштирок этиш; — жойларда иқтидорли ёшларни турли мақбул шаклларда синов, танлов-курслар воситаларида аниқлаш-

га алоҳида эътибор қаратиш; — халқ ижодиёти ва амалий санъат турларини ривожлантиришда фаол қатнашиш; — иқтидорли ёшларни рағбатлантириш ва камол топишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга қўмаклашиш. — ёш ижодкорлар асарлари нашри, намойиши ва кенг тарғиб этишда ҳомийлик қилиш қабилар белги-лансин. 2. Жамғарманинг молиявий, моддий-техникавий негизини яратиш ва мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар маҳкамасининг захира жамғармасидан 250 миллион сўм пул ажратилсин. 3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва барча вилоят ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва ташкилотлар мазкур жамғарма фаолиятини маънавий ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чораларини кўрсинлар. 4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси тегишли вазирликлар, ташкилотлар ва ижодий уюшмалар билан келишган ҳолда бир ой муддат ичида мазкур Фармонини рўйбга чиқаришни ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун қарор қабул қил- гармасидан 250 миллион сўм пул ажратилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**. Тошкент шаҳри, 1993 йил 4 май.




Яширнинг ҳожати йўқ. Истиқдолга эришганимизда, мустақиллик жуда қимматга тушмасайди, деб чўчганимиз рост. Жумҳуриятимизда истеъмол моллари тайёрлаш ўнганмаган, енгил санат ва озиқ-овқат sanoati яхши йўлга қўйилмаган пайтлар эди-да. Бугун Тошкентдаги «Фотон» ишлаб



«Келажакка масъулмиз»

Фарғонанинг ям-яшил бағри бир неча кунки, Ўзбекистондаги талаба-ёшлар билан гапим. Эътиборга молиқ ери шундаки, «Талабалар баҳори» 93-фестивали нафақат Ўзбекистон ёшларининг тадбири бўлиб қолди. Унга Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қорақалпоғистон республикалари, у ёки Амрико Қўшма Штатлари, Саудия Арабистонини давлатларининг йигит-қизлари ҳам таъриф буюришди. Фестивалнинг иккинчи кунини ҳам сермазун ўтди. Куннинг биринчи ярмида Фарғона шаҳар политехника институтининг Маданият саройида меҳмонлар ҳамда фестивал қатнашчилари билан танқидий маросим бўлиб ўтди. Ундан сўнг делегатлар тўрт гуруҳга бўлинди: Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарларида жойлашган тўқинчилик комбинати, «Фарғона нефтооргсинтез» бирлашмаси, «Азот» ишлаб чиқариш, чини буюмлар ишлаб чиқариш корхонаси ижозатлари фаолияти билан таниқилди. Кеча томон ФАРҒОНА ОЛИЙ ЎҚУВ юрти кўноқ ва зукко талабаларининг дўстлиги учрашуви бўлиб ўтди. Анжуманининг учинчи кунини Фарғона Давлат университетиде иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда Бозор иқтисодиёти, ёшларнинг иқтисодий муҳофазалаш, Президентининг томонидан юртидаликнинг ички ва ташқи сибсат юзасидан ёшлар ҳамда профессор ўқитувчиларнинг маърузалари тинглаб, муҳокама қилинди.



Факт ва шарҳ

Андозачилар ҳамкорлиги

Пекинда Хитой Халқ Республикаси давлат техника назорати маҳкамаси билан Ўзбекистон Давлат стандартлаш метрология, сертификация ва маҳсулот сифатини бошқариш маркази (Ўздавстандарт) ўртасида муддаолар протоколи имзоланди. Хужжат Ўзбекистон делегациясининг Хитойга таърифи вақтида имзоланди.

Бу хабарни «Ўздавстандарт» Бош директори С. А. АСРИЯНЦ шарҳлайди:

Икки давлат ўртасида шу муҳим соҳадаги ҳамкорлик халқро таъинлотлар томонидан қабул этилган қондаларга асосланиди ва иқтисодий муносабатлардаги тўсиқларни бартараф этишга қўмаклашади, — деди у. — Бу эса Ўзбекистон Республикаси билан ХХР бир-бирларига юборадиган маҳсулотлар учун давлат андозаларини уйғунлаштириш соҳасидаги ишчи маддалаштириш имконини беради. Аҳдлашувларда андозалар ва техника ҳужжатларини айирбошлаш соҳасида мустақам алоқа ўрнатилиши белги-ланган. Томонлар маҳсулотни сертификациялаш соҳасидаги ишларни ўтказиш, маҳсулотларнинг давлат синовларини ва сертификацияларни натижаларини ўзаро таъин олиш ҳақида келишиб олдилар. Ишлама мамлакат ўртасида мол айирбошлаш даражаси кўп жиҳатдан шунга боғлиқ бўлади.

(ЎзА).

● **ТУРКИЯ БОШ ВАЗИРИ**, мамлакатнинг кенс ва обрўли сийсий арбобларидан бири Сулаймон Демирел Президент лавозимига ўз номзодини расмий равишда кўрсатди. Рейтер ахборот маҳкамаси Аяндардан хабар қилишча, бошқа сийсий партиялар ҳам ўз номзодларини айтмоқдалар. Президент ўрни бўшаб қолган пайтдан бошлаб, 40 кундан кечиктирмай, Туркия парламенти янги президентини сайлаши керак.

● **ЖЕНЕВАДА** 46-жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси очилди. Унинг қатнашчилари олдига шифокорларнинг келгуси йилдаги баҳам-жиҳат ҳаракатлари йўналишларини белгилаб олиш, хатарли касалликларга қарши кураш йўллари ва усулларини муҳокама қилиш вазифаси тўрибди.

● **БОЛГАРИЯДАГИ** Пловдив шаҳрида кеча халқ истеъмол моллари, шу молларни ишлаб чиқариш машиналари ва технологиялари аънаваний халқро ёйма бозори очилди.

● **АФРИКАЛИКЛАР** илмий конгрессининг Президенти Нельсон Мандела Лондонга келди. У Буюк Британия Бош вазирини Жоан Мейжор ва муҳолафатдаги лейбористлар партиясининг раҳбарлари билан учрашди, Англия парламентида нутқ сўзлайди.

● **АҚШ ДАВЛАТ** департаменти Россия ва Туркия билан ҳамкорликда Тоғли Қорабоғ теварағида Армянистон — Озарбайжон можаросини бартараф этиш юзасидан янги талфилар ишлаб чиқилганини айтди. Бу талфилар ўтган кунни можа-рода қатнашаётган томон-ларга топширилди.

● **СОВУҚ УРУШ** авж олган пайтда АҚШ ҳарбий маҳкамаси Арктикада СССР билан уруш чиққан тақдирда, Амрико ҳарбий хизматчиларнинг ишлаб чиқилган дастурини ишлаб чиқиш учун Аляска эски-юслари-дан фойдаланиб тақриблар ўтказган экан. Амрикодаги Си-Эн-Эн телекомпанияси қўлга тушиб қолган шахфий ҳужжатларга ва ўз текши-ришларига асосланиб шу хабарни тарқатди.

● **ЛАТВИЯ** ВОШ вазирини Ивар Годжманс билан иқтисодий ислоҳот вазирини Айвар Крейтус Францияга жузуб кетди. Хукумат мабуот шўбасининг хабар қилишча, сафардан қузатилган мақсад иқтисодий ҳамкор-ликни ривожлантиришни ноборат.

● **ТУРКМАНИСТОН** ДА урта асосий тил — туркман, инглиз ва рус тилларини ўқитиш йўлга қўйилди. Бундан буён бу тилларини билиш Туркманистоннинг барча қўла-ролари учун мажбурий қилиб қўйилди, деди прези-дент Сапармурод Ниязов Туркманистон маорифчилари ҳузурида сўзлаган нутқида.

БУНДАН БИР ЯРИМ йил муқаддам газетамизда илк бор «Сийсий суратта чизгилар» ойнасўзи юзага келган эди. Шундан сўнг замонамизнинг энг танили йўлбошчилари, сийсий арбоблари, ҳаёти сермашаққат фаолияти ва уларнинг дунёқарашлари билан ўқувчиларни яқиндан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган туркум мақолалар эълон қилинди. Булар биз қўнмаган зўрма-зўраки мақтовлар, факт ва воқеаларни санаб ўтиш эмасди. Биз уларнинг ҳақиқий лидер, раҳбар, сифатидаги камчилиги, ютуқлари нимада, деган саволларни ҳам ўз олдимиизга қўйгандик. «Миллионлар Севган Горбачев, Миллионлар Сўккан Горбачев», «Бизга Номаълум Ель-

Ислохотчи, Амалётчи КАРИМОВ

Сийсий суратта чизгилар
Бизлар — нудрати чексиз деган онгимизга синдирилган ва етмиш йилки дабдабаси оламни тутган Шўролар тузумининг барод бўли- шини тасаввур ҳам этолмаган ав- лодмииз. Бугун, озоод мамлакатда



ХАЛҚ НОНБЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси бугун, 6 май кунини соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши- нинг мажлислар залида очил- ди.

ҚУРУВЧИЛАР УЧУН МУКОФОТ

Анджон вилояти деҳқон-чилик-саноат мажмуи қурув-чилар насаба уюммаси қиш-лоқ қурилиш ташкилотчи-ларидан бири Эрташ Ашу-ров хотира мукофотини таъ-сис этди. Бу мукофот ҳар йили Наврўз байрами куниде тармоқда Ўнгирма йил-дан кўп ишлаган қишлоқ қурилиши жонқурага топ-ширилди. Унга 25 миңг сўм пул, вилоят даволаш мақсалларига беул йўлла-ма берилди.

БИЛИМЛАР КУНИ
Тошкент молия институтиде талабаларнинг илмий-назарий

ҚУРУВЧИЛАР УЧУН МУКОФОТ

конференцияси бўлиб ўтди. У республикаимиз иқтисодий ту-зумининг янги модели, ривож-ланган ҳўқий давлат барпо этишга олд келувчи тул де-мократик ўзгаришлар лаби ма-салаларни қамраб олди. Мазкур конференцияда ин-ститутнинг барча мутахассис-ликлари ва иқтисодий кафедраларида талабаларнинг қўллаб-ишариши докладалари тингланди ва муҳокама қилин-ди. Конференцияда фаол ишти-рок этган талабалар институт раҳбарияти томонидан моддий рағбатлантирилди.

АЛЛОМА МУБОРАК ЕШДА
Яқинда отишқаб аллома Абдулла Авлоний таваллуд-

ИЙГИЛАНЛАРГА А. АВЛОНИЙ-НИНГ ҚИЗЛАРИ ҲАҚИДА

Ийрилганларга А. Авлоний-нинг қизлари Ҳақима Авлоний-падари бузруквори ҳақидаги унутилмас хотираларини сўз-лаб берди. Анжуманига Қарши педаго-гика билим юрти ўқитувчиси Жалил Баратов Авлоний шерь-ларидан тузилган кўшмақлари билан Файз баҳш этди. **Забё АХРОРОВА.**

КўНГИЛ КўНГИЛДАН СўВ ИЧАР

Хонобода кўшнни Қирғи-зистоннинг Ўзган шаҳри ма-ҳалла қўмиталари, хотиң-қизлар кенгашлари, хўжа-ликлар вакиллари ва ҳоким-лик раҳбарлари меҳмон бўл-дилар. Улар Хонобод маҳал-ла қўмиталари фаолияти би-ла, ёшларни тарбиялаш, тўй-

ЖУРНАЛИСТЛАРГА ИМТИЕЗ

Сурхондарё вилоят ҳоким-лигида республика оммавий ахборот воситалари мухбир-лари, вилоят газеталари ва телерадиокомпанияси жур-налистлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда ҳокимлик билан қаламақашлар ўртаси-даги ҳамкорлик, иқтисодий ҳа-ётни холисона ёритиш, жур-налистларнинг иқтисодий ҳи-молаш масалалари муҳока-ма қилинди. Вилот ҳокими Жўра Норалиев шу йил 1 майдан вилоят ҳудудиде қатнайдиган енгил тақсидан

ШИНОБАХШ СўВ

Самарқанд вилоятининг Оң-тош шаҳридаги ёғ-ишлоқ заводи ёрдэмчи хўжалиғи учун Қоратог ағачиде арте-зиан кудуги қазилетган шифо-бахш сув отилиб чиқди. Му-тахассисларнинг фикрича, у шифобахшлиғи жиҳатидан Кавказдаги машҳур оромго-ҳлар сувидан қолмайдиган. Бу ерда очилган деҳда ошқозон-ичак ва яғир хасталиқлар-нинг даволашда роит фойда-ли сув ва чанқоқсиде ичм-ликлар чиқарила бошлади.

маъракаларини ўтказиш, обо-донлаштириш ва кўламазо-лаштириш борасидаги тақ-риба билан танишдилар.

ташқари барча транспортда журиштирилган беул юриш ҳўқуқи берилганини маълум қилди.

(Давоми 3-бетда).

«Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмонидек олим чиққан эмас».

Аждодлар руҳини шод айлаб САВОБЛИ ИШГА ҚЎЛ УРИЛДИ

...Мустақиллигимиз байрами кунлари. Тантаналарга хоридан келган меҳмонлар орасида она дийр гардин қўзларига тўтиб қилиш ораусида юрган ва ниҳоят шундай бахт nasib этган ватандошларимиз

ҳам бор. Мустақиллик майдониди шодийлар ижодига етган, улар Самарқанд ва Бухорога боғлиқ аждодларимиздан мерос бўлиб қолган обидаларни томоша қилди.

Бахтли онларда Имом Бухорийнинг асарлари ўн икки асрдан бери мусулмон оламнинг илму ирфон, маънавият қўши бўлиб келатгани, ул зоти олий руҳини ёдлаш, ҳурматини жойига қўйиш фурсати етгани ҳақида фикрлар айтилган ва бу ташаббусни юртбошимиз қўллаб-қувватлаган эди.

Шундан кейин мустақил Ўзбекистон Республикаси билан Ислон динини ўрганиш Оксфорд маркази ўртасида тузилган битимга мувофиқ Самарқанддаги Имом Бухорий масжидини қайта тиклаш ва ҳадислар ўрганиш марказини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди.

— Оксфорд шинамгина шаҳар, юз минг аҳолиси бор, — деди у. — Бир-бирига ўхшамган бир, икки қаватли уйлар файли, ўзинга хос ҳамма ёқ тол-тоза, кўм-кўк, ҳавоси муссафос.

Бизни Оксфорд университети Ислон тадқиқотлари марказининг бошлиғи, доктор Фарҳон Аҳмад Низомий кутиб олди. Аввал келишганимиздек, ишчи Имом Бухорий масжидини қайта тиклаш ва ҳадислар ўрганиш марказини қуришга доир халқаро танлов низоми ва шартларини тайёрлашдан бошланди. Бу ишлар қиймега етказилгач, танловни эълон қилдик, халқаро танловлар ҳаётига аъзоларини белгилаб олдик, афшарлар чинаридик. Банкда оқилдан ҳисоб рақаминга маблағ туша бошладик.

— Марказ Самарқанднинг қирғиғи қурилади?

— Саволинига жавоб беришдан олдин буюк аждодимиз ҳақида бироз гапирсам деганим. Ул зоти олийни мусулмон дунёсига имомлар имони, муҳаддислар пешвоси сифатида улугълидилар. Ун икки аср муқаддам Бухоро, шаҳрида таваллуд топанг Муҳаммад ибн Исмонид 16 ёшида онаси ва акаси Аҳмад билан ҳақ сафарини ихтиёр этди. Балх, Басра, Қўфа, Бағдод, Дамашқ, Макка ва Мадина шаҳарларида зукко мударрислар-

дан таълим олади, «Илм ул ҳадис»ни ўрганишга киришади. Бир минг саксон нафар муҳаддисдан эшитган ҳадисларини туллаб, тартибга келтириб, уларни 97 китобга жамлайди. Унинг «Ал-жомеъ ас-сахих», «Ал-адаб ал-муфрад» каби ҳадислардан иборат китоблари, «Ат-тарих ал-кабир», «Ат-тарих ас-сағир» каби асарлари маърифатимиз хазинасидан муносиб ўрин олган. Шулари унинг ўзинга ул зот мусулмон оламида машҳурни жаҳон бўлгани бежиз эмаслигини кўрсатиб турибди. Шу сабабдан Президентимиз Ислон Каримов бошчилигида халқаро ҳомийлик қўмитаси тuzилди ва жаҳонга донг кетган олим фузалолар, дин арбоблари унинг таркибига киритилди.

Энди меъморий мажмуа ҳақида. У Самарқанддан 25 километр нарида. — Пайриқ туманининг қандим Хартанг, ҳозир эса Имом Бухорий номи билан аталган қишлоғида қад кўтарди. Вилоят ҳокимлиги 40 гектарга яқин ер ажратиб берди. Танлов дастури ва шартига биноан, минг киши ибодат қилган масжид, 300 талаба таъсил олайган мактаса, 200 минг китоб жамгармасига эга кутубхона бунёд этилди. Талабалар, мударрислар, бошқа хизматчиларга мулкжалланган бинолар, чойхона-

лар, савдо расталари, оромгоҳлар қурилади. Ҳозиргача сақланиб қолган харобалар, осори атиқалар таъмирланади, улкан бог яратилади.

— Бу галги танлов аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилади?

— Олдин оқиқ танловлар ўтказилар эди. Биз эса, Шарқ меъморчилигида самарали ижод қилаётган меъморларни тақлиф этиб, бир неча буюртма бердик. Шулардан икитасини Ўзбекистонлик музалифлар баъради. Етти кишидан иборат халқаро ҳакамлик ҳайъати шу йил 23 октябрь кунин Самарқандда Имом Бухорийнинг илмий мероси ва даврига бағишланган халқаро анжуман очилишида маълум қилинади. Танлаб олинган лойиҳа асосидан ишлар келгуси йилдан бошланади. Шунин ҳам айтиш лозимки, Имом Бухорий марказини бунёд этишда замонавий шаҳарсозликда орттирилган халқаро тажрибалардан, илгор усуллардан, бинокорлик матери-аллари ва техникасидан унумли фойдаланилади, унда ўзбек ҳунар-манд ва наққошлари ҳам фаол қатнашади.

Республика Фанлар Академияси тегишли вазирликлар ва ташкилот-

лар, ҳокимликлар октябрь ойида бўладиган тадбирга қизгин тайёр-гарлик кўрмоқда. Зеро, у ўзлиги-



Имом Бухорийнинг илмий мероси ва даврига бағишланган халқаро анжуман очилишида маълум қилинади. Танлаб олинган лойиҳа асосидан ишлар келгуси йилдан бошланади. Шунин ҳам айтиш лозимки, Имом Бухорий марказини бунёд этишда замонавий шаҳарсозликда орттирилган халқаро тажрибалардан, илгор усуллардан, бинокорлик матери-аллари ва техникасидан унумли фойдаланилади, унда ўзбек ҳунар-манд ва наққошлари ҳам фаол қатнашади.

Келгуси сонда:
• САККИЗ ИЛ-ДАН СЎНГ
• УРУШ И Н Г БИТМАС ЖАРО-ХАТЛАРИ

Газета саҳифаланаётганда:

ТУРКУМНИ ОЧА ТУРИБ

Ўзбекистон теле-радиоком-паниси ижодий гуруҳи мам-лакатимизда яшаётган турли миллий гуруҳлар ҳаёти ва фао-лияти ҳақида видеофильмлар туркумини сувартага тушира бошлади. Ойнаи жаҳонда на-мойиш этилган дастлабки ик-ки фильм мамлакатимизда кун кешираётган миллий гуруҳ-лар орасида энг кўп сонли рус халқига бағишланган бў-либ, унинг номи ҳам «Руслар» деб аталади.

Баҳодир АБДУЛЛАЕВ.

1934 йил баҳорининг савр ойлари эди. Наманган шаҳ-рининг шундоқона ағинаси-да жойлашган сўлимгина Ху-жа Аҳмад Вали боғи (ҳозир-ги Шаҳид санаторийси)да ўтказилган халқ сайлида санъаткорларнинг чиқишлар-и, айниқса, улуссифат бир доирачининг катта ўйин ва бошқа усулларини ижро этиб, рақосаларни ўйнатган-и 6 яшар Тожиалини шун-дай ҳайратга солдики... Са-йилдан сўнг, ўйинга келиб-қў-лига лаган, патнисларни олиб, чилдирма қилиб чала бошлайди. Отаси машҳур доирачи уста Олим Комилов ўғлининг қалбига ажойиб, бе-такрор меҳр сочиб кетганини тушунди. Кейинроқ ўзига кичикроқ доира олиб берди.



Тожиали 10 ёшга тўлганида ўша вақтларда Тўрақўрғон туманининг Бегобод қишло-ғида номи чўққан Абдура-зоқ устага ҳам доира, ҳам сартарошликда шогирд туш-ди. Мактабда ўқиб билан бирга устадан ҳар икки ҳу-нарни ҳам ўрганди.

— Жуда қийин вақтлар эди, — эслади Тожиали ана, — бир ёнда ўқиб, бир ёнда оилага ёрдам бериш ке-рак. Ушанда ёш бўлсам ҳам ёдимда қолган: фалончинини олиб кетишибди, пистончи қамалибди, деган гаплар юрарди. Биз ҳам ҳавотир би-лан кун кечирардик, дадамиз уйдаги бор эски ёзувда ёзил-ган китобларни аллақайқча йўқ қилиб келдилар. Кейин билсам...

Келинг, «бутунги шодлик-да кечаги гапдан гапирманг-лар», — деган маъно билан. Шундай қилиб ўқиб ўз йў-лида қолиб кетди. Аммо санъатга бўлган иштиёқини кувдан-кунга ортиб борар эди. Устага Абдуразоқ ака ўзи сартарош бўлгани билан, дутор, танбур, доира каби ўзбек чолғуларини жуда ях-ши чалар эди. Менга доира-да «Насруллоҳий», «Чўли Ирок», «Ажам», «Курд» ва бошқа халқ куйлари, усул-ларини чалишни ўргатдилар.

1941 йили уруш бошлан-ганда Тожиали 13 ёшида эди. Яшаш оғир. Хужа Аҳмад Вали боғида меҳнаткашлар-нинг Жумҳурият анжумани ўтказилди. Анжуманга рес-публиканинг ўша вақтдаги раҳбари Усмон Юсупов би-лан бирга концерт қўйиш учун Тошкентдан мусиқали драм театрининг бир гуруҳ санъаткорлари ҳам келиша-ди. Улар орасида халқ ар-тистлари Раҳима Эрматова, Саттор Ярашев, Қундуз Мир-наримова, Абдуллажан Оху-нов, Комижон Жабборов, Санджон Қаленов, Аҳмаджон Отамурашов, Дадахўжа Са-тоҳўжаев ва Эргаш Йўлдо-шев каби машҳур санъаткор-лар бор эди.

Концертда ёш Тожиалига ҳам наваб беришди. У устоз санъаткорлар олдига ўз иж-роси билан ҳаммани лол қол-диради. Усмон Юсупов театр бошлиғининг ўринбосари, ёзувчи Камтар Отабосинов ўз хузурига қадритирди: «Ин-гитчани ишга қабул қилсан-гиз, келажакни боғла ўхшай-ди», дейди.

Уч кундан сўнг ота-онаси-дан оғ фотиҳа олган Тожи-али санъаткорлар билан бир-га Тошкентга жўнади. Бу ерда у Ўзбекистон халқ ар-тисти Раҳим Исҳоқжаев, хиз-мат кўрсатган артистлар Тўй-чи Иноғомов, Гофур Азимо-в каби муомтоз созандалар ён-ида янада ўз маҳоратини оши-риб борди ва уларни ўзинга устоз деб билди.

Тадбиркорлик... ниқоби остида

Хукуматимиз халқ фаровонлигини ўйлаб тадбиркорларга кенг имконият яратиб бермоқда. Ундан фойдаланиб, ас-тойдил меҳнат қилаётган ишбилармонлар ома эмас. Бир-қо айрим ширкат, кичик ва хусусий корхоналар мавжуд қо-нуни ва талаблар рия қилимай чайқовчилли билан шугул-ланмоқда. Ҳисоботларда даромадни яшириш, солиқ тў-лашдан бўйин товлаш, бюджетга тўловни ўз вақтида ўт-казмаслик ҳоллари учрамоқда.

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги фаолият кўрсатаётган ҳамда янги ташкил этилаётган ширкат, кичик ва хусусий корхоналар ҳамда уюшмалар, ҳиссадорлик жамиятларин-ининг низоомларини яна бир бор кўриб чиқиш, уларнинг ишга баҳо бериш мақсадида ташкил этган махсус комис-сия ана шу масалаларни ўрганди.

Тадбиркорликнинг маълум бўлиши, буларнинг ҳаммаси тегишли вазирликнинг таълими, ҳисоб, ҳозирги иқтисодий қийинчилик, баъзи махсусотлар тақчиллигидан фойдаланиб, тадбиркорлик ниқоби остида чайқовчиллик ва фирибгарлик билан шугулланаётганларнинг таноби те-роқ тортиб қўйилса, яхши бўлар эди.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ. Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), К.ЖУМАНИЕВОВ, З.МАМАДАЛИЕВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (масъул котиб), С.РУСТАМОВ.

Тавгис этиувчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ва «ТУРКИСТОН» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ газета 1925 йил 8 февралдан «Еш ленинчи» номи билан чиқа бошлаган.

Хорижда мўмай пул қиллаб келишни ороу қилган бир гуруҳ «сайёҳ»лар сафарлари Андижон вилоятининг Пах-

Шеърхонлик куни

Эндиликда Наманган вилоятида ҳар йили 23 май кунини шоир Бобораҳим Машраб ижодига бағишланган ағнаваний шеърхонлик бўлиб ўтади. Вилоят ҳоким-лиги буюк шоир шарофига ана шундай тантана ўтказишни кўзда тутадиган қарор қабул қилди.

Бу йил шеърхонлик Машраб номидаги миллий маданият ва истироҳат боғида бўлади. Бу кун ўзбек адабиёти энг жўш-қин намоёндаларидан бири ижодининг чиннакам байрамига айланади. Воғда

шеърхонликдан ташқари театр томопала-ри бўлади, уларда Машраб асарлари ижройлади. Насим байрами хайрия талбирларига тугатиб кетади. Наманган саноат-қури-лиш банки бўлимларидан бирида ташки-лотлар ва хусусий кишиларнинг аҳо-слари учун махсус ҳисоб varaқаси очил-ди. Унга дастлабки пул тўша бошлади.

Н. ХУЖАЕВА, ҒаА муҳбири.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДАГИ ЗАМОНАВИЙ ҒҚУВ ҲУСУСИ ЭРКАКЛАР ЛИЦЕИНИНГ

ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИ БОШЛАНЯПТИ

Лицейимизда ўқиб, ётоқхонада яшаш ва кунинга тўрт маҳал овқатланиш шартлари мавжуд бўлиб, дарслар ўзбек, турк, инглиз тилларида олиб борилади. Биология, физика, математика фанлари инглиз тилида ўтказилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент хусусий эркеклар лицейи. Ҳамза тумани Султонали Машҳадий кўчаси, 307-мак-таб. Тел: 68-58-26.

МУРОЖААТ ҚИЛИНГ: 1993 йил, 14 майгача ИМТИҲОНЛАР: 6-синфлар — 15 май соат 9.00 8-синфлар — 16 май соат 9.00 да бошланади.

Сиз дарддан халос бўлмоқчимисиз? Унда астрасене Гулжаҳон БАХШИЕВА Сизга ёрдам беради.

Ангина ва бўқоқни бир дақиқа ичида олиб ташлайди. Енгил қўринишдаги рақ касаллигининг илгон гўшти ёрдами-да даволайди. Ошқозон-ичак хасталиқларини, бешуштли, бош оғриги, бронхит астма, қанд касаллиқларидан халос қилади. Бурундан ўсимта (пальпа)ни олади.

МАНЗИЛГОҲИ: Ашхобод шаҳри, Каспий кўчаси, 14-уй.

Булар икир-чикирларми?

табод туманида туғанини ҳаёлга келтирмаган чоғи. Улар Ҳўқога олиб борадиган катта йўл қилиб, нега кимсасиз сўймоқни талаблардан аман? Шовшоқлар 25 миллион сўмлик тақчил молни боқхона ҳодимларини четлаб олиб чиқиб кетамиз, деган хом хаёлга борган бўлсалар керак.

Узбекистон Республикаси Давлат боқхона қўмитаси Андижон вилоят бошқармаси ташкил этган «пана» йўл-лари назорат қилиш гуруҳи бунинг олдини олди. Ас ҳолда юз минг метрга яқин гулли чит ва бўз, анигина ноидр металл, «КамАЗ» автомашинасига керакли эҳтиёт қисм — мингта ёнилги пурақич, эркак ва аёлларнинг беш юзтадан кўпроқ пальто ва ёмғирқўшари бири ўна пулланган бўлар эди. «Сайёҳ»ларнинг юклари орасида боқлар қийим-кечаги ва пойфазаллари, 23 дона мис са-моovar, ҳаттоки бўёғи қуримаган «Минск» мотоциклини «Урал» велосипеди ҳам топилди.

Қизғи шундаки, йигирма икки кишилик гуруҳ ҳуж-жати Қирғизистоннинг Уш шаҳрида расмийлаштирган. Керакли буюмларини эса Андижон вилоятидан юклаган. Улар шу вилоят корхоналарининг тамгаси урилган мол-лари «Қирғизистондан олган эдик» деб ишонтиришга ҳам урниб кўрилар.

«Сайёҳ»ларнинг моллари мусодара қилди, тергов ишлари бошланди.

К. НИЗОМОВ, ҒаА муҳбири.


КОСОН ГИЛАМЛАРИ

Ўзбек уйининг азалий ва асосий безакларидан — бири рангин, сержило гиламлар. Ўзбек шунинг учун ҳам тўй қилса-да, уй қилса-да, биринчи на-батда гилам харид қилади. Бугунги ўттиш даврида гиламининг баҳоси ҳам осмон қадар ўсди. Наилож, Олмасанг бўлмайди. Олсанг...

Қашқадарё вилояти Косон ноҳияси савдо-саноат комбинати раҳбарлари ишнинг кўчини би-лишади. Шу мақсадда улар комбинат қошида гилам тўқиш цехи ташкил этишганди. Маҳсулотини боши дўконларга чиқди. Эни 2, бўйи 3 метрлик бу гилам-лар харидор қутиб қолмапти. Тўғри, ҳозирча бу гиламларни арзон деб бўлмайди. Бир донаси 50 минг сўм. Лекин ташкилотчилар цехни кенгайтириш маҳсулотини кўпайтириш аъзига нарх арзонлашу-вига эришишни кўзлашмоқда.

СУРАТДА: косонлик қўли гул тўқувчилар тай-ёрлаётган гиламларни кўриб турибсиз.

Сураткаш Ш. ШАРОПОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-қ. Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлэмалар ҳамда сураатлар муаллифларга ҳайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.